



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 7 » сентябрь

№ ПҚ-4819

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ– 6061 -сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) тизимида:

а) қўйидагилар ташкил этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизида – Кадастр агентлининг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари;**

Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази негизида – давлат муассасаси шаклида **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси** (кейинги ўринларда – Давлат кадастрлари палатаси);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) филиаллари негизида – **Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари;**

Марказий аэрогеодезия корхонаси, Самарқанд аэрогеодезия корхонаси, “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси, “Картография” давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси негизида – давлат муассасаси шаклида **Республика аэрогеодезия маркази**;

Давлат геодезия назорати инспекцияси негизида – Кадастр агентлигининг марказий аппарати таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Геодезия назорати бошқармаси**;

б) Давлат геодезия назорати инспекцияси ҳузуридаги **Давлат картография-геодезия фонди** Кадастр агентлиги бўйсунувига ўтказилсин;

в) **“Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази”** давлат унитар корхонаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибига, **Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига ўтказилсин.

2. Кадастр агентлиги икки ой муддатда:

мазкур қарорда назарда тутилган ташкилотларни тугатиш, ўзгартириш ва ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни яқунласин;

тугатилаётган ташкилотларга тегишли бўлган, улар фойдаланаётган бино ва иншоотлар, бошқа моддий қимматликлар уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ворисларига ўтказилишини таъминласин;

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари, ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

“Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилаётган қўшимча вазифалардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин;

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари ва ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиши муносабати билан **Кадастр агентлиги билан биргаликда тасдиқланадиган тақсимлаш балансига асосан** тегишли моддий-техника ресурсларининг “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтига топширилиши ва улар томонидан қабул қилиб олинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси **Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига** айлантирилсин.

Қуйидагилар Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Кадастр агентлиги органлари томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 100 фоизи;

фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10 фоизи;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Кадастр агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари – Кадастр агентлиги директори** бошчилик қилади;

Кадастр агентлиги директорининг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрини, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этади;

Давлат кадастрлари палатасининг **туман (шаҳар) филиаллари** кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъи назар давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаларига асосан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

кадастр муҳандислари ва Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишда **тенг шароитлар яратилади;**

Давлат кадастрлари палатасининг **туман (шаҳар) филиаллари** Кадастр агентлиги директорининг буйруғига асосан босқичма-босқич тугатиб борилади ва заруратга кўра **фақат олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сақлаб қолинади;**

Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари фаолияти кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга асосан пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари, Давлат кадастрлари палатаси раиси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари бошлиқлари, Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг комплаенс-назорат хизмати ходимлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 81 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 114 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Кадастр агентлиги директориға:

зарур ҳолларда, Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиалларининг намунавий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган сонини иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ва ўзгартириш;

зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларига Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасига ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров:

икки ҳафта муддатда Кадастр агентлигининг марказий аттестация комиссиясини ташкил этсин, унинг таркибига келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари, фан ва таълим муассасалари вакиллари ҳам киритилишини таъминласин;

икки ой муддатда Кадастр агентлиги тизимидаги раҳбарлик лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилишини таъминласин;

2020 йил охирига қадар Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа лавозимларга малакали ходимларнинг ишга қабул қилинишини таъминласин.

9. Давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида Давлат кадастрларини шакллантириш бўйича **идоралараро ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда – Идоралараро ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Мазкур қарорнинг 9-иловасига мувофиқ Давлат кадастрлари объектларини хатловдан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш бўйича **мақсадли кўрсаткичларга** эришиш Идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши ҳолати Идоралараро ишчи гуруҳнинг таклифига кўра **Вазирлар Маъкамаси Раёсатида муҳокама қилинади**.

10. Кадастр агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 декабрга қадар давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларнинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

11. Қуйидагилар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловининг суғориладиган ерлар учун 10 фоизи, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун – 5 фоизи;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш учун ўтказиладиган электрон онлайн-аукционлардан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи (электрон аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташлангандан кейин ҳисобланади).

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

стратегик ривожлантириш, инвестициялар ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими тугатилсин;

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими киритилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **қўшимча 204** та бошқарув ходими штат бирликлари ажратилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари мансабдор шахсларига қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини ўтказиш жараёнида аниқланадиган ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ва кўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқи берилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жаҳон банки томонидан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021–2022 йилларда вазирлик тизимига ўтказилган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштиришда инновацион технологияларни жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Кадастр агентлиги:

а) бир ой муддатда Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ой муддатда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

“Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини;

давлат ер кадастрини юритиш, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ҳамда давлат ер назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**




Ш.Мирзиёев


**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 11 нафар

* Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

** Ўз фаолиятига доир вазифаларни амалга оширишда бевосита Кадастр агентлигига бўйсунди.



**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



* Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил "7" сентябрдаги ПҚ-4819 -сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги ҳудудий органлари ходимларининг
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

т/р	Ҳудудлар	Туманлар (шаҳарлар) бўлимлари сони	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бюджет/ жамғарма)	шундан:	
				Ҳудудий бошқармаларда	Туманлар (шаҳарлар) бўлимларида
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	17	127 (24/103)	10 (5/5)	117 (19/98)
2.	Андижон вилояти	16	80 (24/56)	10 (5/5)	70 (19/51)
3.	Бухоро вилояти	13	79 (20/59)	10 (5/5)	69 (15/54)
4.	Жиззах вилояти	13	84 (19/65)	10 (5/5)	74 (14/60)
5.	Қашқадарё вилояти	15	134 (23/111)	10 (5/5)	124 (18/106)
6.	Навоий вилояти	10	46 (15/31)	10 (5/5)	36 (10/26)
7.	Наманган вилояти	12	82 (20/62)	10 (5/5)	72 (15/57)
8.	Самарқанд вилояти	16	106 (23/83)	10 (5/5)	96 (18/78)
9.	Сирдарё вилояти	11	79 (13/66)	10 (5/5)	69 (8/61)
10.	Сурхондарё вилояти	15	95 (22/73)	10 (5/5)	85 (17/68)
11.	Тошкент вилояти	22	110 (25/85)	10 (5/5)	100 (20/80)
12.	Фарғона вилояти	19	98 (26/72)	10 (5/5)	88 (21/67)
13.	Хоразм вилояти	13	78 (19/59)	10 (5/5)	68 (14/54)
14.	Тошкент шаҳри	11	32 (4/28)	10 (4/6)	22 (0/22)
Жами:		203	1230 (277/953)	140 (69/71)	1090 (208/882)




Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси марказий аппаратининг тузилмаси



Бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони – 114 нафар

* Ўз фаолиятига доир вазифаларни амалга оширишда бевосита Кадастр агентлигига бўйсунди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – **224** нафар

* Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларига ҳам хизмат кўрсатади, ўз фаолиятига доир вазифаларни амалга оширишда бевосита Кадастр агентлигига бўйсунди.

** Рўйхатдан ўтказиш бўлими штат бирликлари сони қуйидагича белгиланади:

5 нафар	6 нафар	7 нафар	8 нафар	9 нафар	10 нафар
Сирдарё	Жиззах Навоий	Бухоро Хоразм	Қашқадарё Наманган Сурхондарё	Қорақалпоғистон Андижон Самарқанд	Тошкент вил. Фарғона Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон қарорига
8-илова

**Давлат кадастрларини шакллантириш бўйича
идоралараро ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

- | | |
|------------------------|--|
| Ж.А.Қўчқоров | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, <i>Идоралараро ишчи гуруҳ раиси</i> |
| О.М.Умаров | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси, <i>Идоралараро ишчи гуруҳ раиси ўринбосари</i> |
| <i>лавозимига кўра</i> | – Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари – Кадастр агентлиги директори, <i>Идоралараро ишчи гуруҳ раиси ўринбосари</i> |
| О.А.Пекось | – ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари |
| Ш.С.Хидоятлов | – қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари |
| Ж.Т.Мирзамахмудов | – энергетика вазирининг биринчи ўринбосари |
| В.М.Аҳмаджонов | – сув хўжалиги вазирининг ўринбосари |
| А.А.Мўминов | – фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари |
| К.Б.Акилова | – маданият вазирининг ўринбосари – Маданий мерос департаменти бошлиғи |
| А.А.Абдувалиев | – транспорт вазирининг ўринбосари – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи |
| <i>лавозимига кўра</i> | – Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари |
| Ш.П.Алимов | – Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| Ғ.К.Қурбонов | – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосари |
| <i>лавозимига кўра</i> | – Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| <i>лавозимига кўра</i> | – Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари |
| Х.Н.Хасилов | – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи |
| М.Р.Абдуллаев | – “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси |

- Б.Б.Эшмуратов – “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
- У.Ҳ.Сайидов – “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
- Р.Г.Мубаракшин – “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
- У.М.Мустафоев – “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
- А.А.Сангинов – “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
- лавозимига кўра* – Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси раиси,
Идоралараро ишчи гуруҳ котиби

Изоҳ: Идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.



**Давлат кадастрлари объектларини хатловдан ўтказиш
ва Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимига киритиш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР**

т/р	Давлат кадастри номи	Масъул идора ва молиялаштириш манбаи	МГАТ*га киритилган	шундан:					
				2020 йил III-чорак	2020 йил IV-чорак	2021 йил I-чорак	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Давлат ер кадастри	Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси (Давлат бюджети маблағлари)	6 492 352 та ер участкаси	65 мингта ер участкаси	65 мингта ер участкаси	65 мингта ер участкаси	янгилаб бориш		
2.	Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри	Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси (ўз маблағлари)	6 492 352 та объект	315 мингта объект	315 мингта объект	315 мингта объект	янгилаб бориш		
3.	Картография-геодезия давлат кадастри	Кадастр агентлиги, Давлат картография-геодезия фонди (Давлат бюджети маблағлари)	103 811 та объект	3 935 та объект	3 935 та объект	3 935 та объект	янгилаб бориш		
4.	Ўтказиб бериш қувурлари давлат кадастри	Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ (ўз маблағлари)	2 359 км		2 359 км		янгилаб бориш		
		Энергетика вазирлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ (ўз маблағлари)	7 166 км		7 166 км		янгилаб бориш		
		Энергетика вазирлиги, “Худудгазтаъминот” АЖ (ўз маблағлари)	9 117 км		9 117 км		янгилаб бориш		
5.	Энергетика объектлари давлат кадастри	Энергетика вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (ўз маблағлари)	1 та объект		1 та объект		янгилаб бориш		

		Энергетика вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (ўз маблағлари)	41 та объект	14 та объект	14 та объект	13 та объект	янгилаб бориш	
		Энергетика вазирлиги, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ (ўз маблағлари)	8 286 км ҲЭУТ	1 000 км ҲЭУТ	2 600 км ҲЭУТ	4 686 км ҲЭУТ	янгилаб бориш	
			72 та ПС	14 та ПС	56 та ПС	2 та ПС	янгилаб бориш	
		Энергетика вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (ўз маблағлари)	27 808-км ҲЭУТ	9 270 км ҲЭУТ	9 270 км ҲЭУТ	9 268 км ҲЭУТ	янгилаб бориш	
			1650 та ПС	550 та ПС	550 та ПС	550 та ПС	янгилаб бориш	
6.	Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (ўз маблағлари)	2 091 та объект	1 500 та объект	1 500 та объект	1 500 та объект	янгилаб бориш	
7.	Автомобиль йўллари давлат кадастри	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари* (маҳаллий бюджет маблағлари)	42 695 км	20 200 км	20 200 км	20 200 км	81 282 км	янгилаб бориш
8.	Темир йўллар давлат кадастри	Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва саноат, ишлаб чиқариш корхоналари* (ўз маблағлари)	5 149 км	31 км	31 км	31 км	1 708 км саноат, ишлаб чиқариш ташкilotлари тасарруфидаги темир йўллар	янгилаб бориш
9.	Маданий мерос объектлари давлат кадастри	Маданият вазирлиги (маҳаллий бюджет маблағлари)	2 050 та объект	2 100 та объект	2 100 та объект	2 100 та объект	янгилаб бориш	
10.	Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	358 та тур бўйича	80 та тур бўйича	80 та тур бўйича	80 та тур бўйича	янгилаб бориш	

11.	Ҳайвонот дунёси объектлари давлат кадастри	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	250 та объект	янгилаб бориш			
12.	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	395 та объект	13 та объект	13 та объект	13 та объект	янгилаб бориш
13.	Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация жойлари давлат кадастри	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	361 та объект	13 та объект	13 та объект	13 та объект	янгилаб бориш
14.	Давлат ўрмон кадастри	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	10,8 млн гектар	135 минг гектар	135 минг гектар	135 минг гектар	янгилаб бориш
15.	Давлат сув кадастри	Сув хўжалиги вазирлиги (Давлат бюджети маблағлари)	1 113 та объект	янгилаб бориш			
		Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	671 та объект	янгилаб бориш			
		“Ўзгидромет” маркази (Давлат бюджети маблағлари)	116 та объект	янгилаб бориш			
16.	Гидротехника иншоотлари давлат кадастри	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси (Давлат бюджети маблағлари)	207 та объект	янгилаб бориш			
		Сув хўжалиги вазирлиги (Давлат бюджети маблағлари)	22 мингта объект	янгилаб бориш			

		Энергетика вазирлиги (Давлат бюджети маблағлари)	12 та объект	янгилаб бориш					
17.	Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ўз маблағлари)	2 434 та объект	янгилаб бориш					
18.	Давлат шаҳарсозлик кадастри	Қурилиш вазирлиги (Давлат бюджети маблағлари)	1 793 та объект	30 та объект	30 та объект	30 та объект	90 та объект	90 та объект	90 та объект
19.	Алоқа объектлари давлат кадастри	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (ўз маблағлари)	критилмаган	5 150 км	5 150 км	5 150 км	15 500 км	15 500 км	янгилаб бориш
20.	Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри	Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (Давлат бюджети маблағлари)	284 та объект	янгилаб бориш					
		Фанлар академияси (Давлат бюджети маблағлари)	11 231 та объект	янгилаб бориш					
		“Ўзгидромет” маркази (Давлат бюджети маблағлари)	12 та объект	янгилаб бориш					

* – Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизими

Изоҳ: Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси масъул идоралардан белгиланган тартибда қабул қилиб олинган кадастр объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг икки ҳафтадан кечиктирмай Миллий географик ахборот тизимига жойлаштирилишини таъминлайди.

Давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар томонидан давлат кадастр объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотлар Миллий геоахборот тизимига киритилганида мақсадли кўрсаткичларга эришилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил “ 7 ” сентябрдаги ПҚ–4819-сон қарорига
10-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги
“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–4292-сонли қарорида:**


а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “143” рақами “148” рақами
билан алмаштирилсин;б

б) 1-илова “Агроинновация” давлат унитар корхонаси” блокдан
кейин “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат
унитар корхонаси” блоки билан тўлдирилсин;

в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **148 штат бирлиги.**

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

* Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

** Вазирлик марказий аппаратининг умумий штатлар бирлигига киритилмайди”.

г) 3-иловада:

“Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими” блокадаги “2” рақами “5*” рақами билан алмаштирилсин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 47 нафар.

* 3 та штат бирлиги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади”;

д) 4-иловада:

“Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими (масалалари бўйича бош мутахассис)” блоки қуйидаги мазмундаги блок билан алмаштирилсин:

“ Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими 4-5* ”;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони – 537 нафар, шу жумладан:

Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида – 47 нафар;

Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида – 42 нафар.

* 3 та штат бирлиги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади”;

е) 5-иловада:

“Қишлоқ хўжалиги экинлари ва ердан самарали фойдаланиш шўбаси” блокадаги “1” рақами “2*” рақами билан алмаштирилсин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони – 7 – 13 нафар.

* 1 та штат бирлиги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади”;

ж) 5а-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги
бўлимлари бошқарув ходимларининг
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

Т/р	Туманлар номи	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бирлик)
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Амударё	12
2.	Беруний	11
3.	Тўрткўл	11
4.	Элликқалъа	11
5.	Хўжайли	11
6.	Шуманай	10
7.	Мўйноқ	9
8.	Нукус	10
9.	Тахтакўпир	9
10.	Тахиатош	10
11.	Қораўзак	10
12.	Қонликўл	9
13.	Кегейли	10
14.	Қўнғирот	10
15.	Чимбой	10
Андижон вилояти		
16.	Олтинкўл	11
17.	Андижон	12
18.	Балиқчи	12
19.	Бўз	11
20.	Жалақудуқ	12
21.	Избоскан	12
22.	Улуғнор	11
23.	Қўрғонтепа	12
24.	Асака	11
25.	Марҳамат	11
26.	Шаҳрихон	11
27.	Пахтаобод	11
28.	Хўжаобод	11
29.	Булоқбоши	10
Бухоро вилояти		
30.	Бухоро	13
31.	Вобкент	11
32.	Жондор	13
33.	Когон	11
34.	Қоракўл	11

35.	Қоровулбозор	11
36.	Пешку	11
37.	Ромитан	12
38.	Шофиркон	12
39.	Ғиждувон	13
40.	Олот	11
Жиззах вилояти		
41.	Арнасой	12
42.	Бахмал	11
43.	Ғаллаорол	12
44.	Шароф Рашидов	11
45.	Дўстлик	12
46.	Зомин	11
47.	Зарбдор	11
48.	Зафаробод	11
49.	Мирзачўл	12
50.	Пахтакор	11
51.	Фориш	9
52.	Янгиобод	10
Қашқадарё вилояти		
53.	Ғузор	12
54.	Қарши	12
55.	Деҳқонобод	10
56.	Косон	12
57.	Китоб	12
58.	Қамаши	12
59.	Миришкор	12
60.	Муборак	11
61.	Нишон	12
62.	Касби	12
63.	Чироқчи	13
64.	Шаҳрисабз	13
65.	Яккабоғ	13
Навоий вилояти		
66.	Кармана	10
67.	Конимех	8
68.	Қизилтепа	10
69.	Навбаҳор	9
70.	Нурота	9
71.	Томди	7
72.	Учқудуқ	7
73.	Хатирчи	11
Наманган вилояти		
74.	Мингбулоқ	13
75.	Косонсой	11
76.	Наманган	11
77.	Норин	11
78.	Поп	12
79.	Тўрақўрғон	12

80.	Уйчи	12
81.	Учқўрғон	12
82.	Чортоқ	11
83.	Чуст	13
84.	Янгиқўрғон	12
Самарқанд вилояти		
85.	Булунғур	12
86.	Жомбой	13
87.	Иштихон	11
88.	Каттақўрғон	13
89.	Нарпай	12
90.	Нуробод	12
91.	Оқдарё	11
92.	Пайариқ	13
93.	Пастдарғом	13
94.	Пахтачи	11
95.	Самарқанд	12
96.	Тайлоқ	11
97.	Ургут	11
98.	Қўшрабат	10
Сурхондарё вилояти		
99.	Денов	12
100.	Қизириқ	12
101.	Қумқўрғон	12
102.	Музрабат	12
103.	Олтинсой	11
104.	Узун	11
105.	Жарқўрғон	12
106.	Ангор	11
107.	Бойсун	10
108.	Сариосиё	12
109.	Термиз	11
110.	Шеробод	12
111.	Шўрчи	11
Сирдарё вилояти		
112.	Боёвут	12
113.	Гулистон	11
114.	Мирзаобод	11
115.	Оқолтин	12
116.	Сардоба	11
117.	Сайхунобод	12
118.	Сирдарё	12
119.	Ховос	11
Тошкент вилояти		
120.	Оққўрғон	12
121.	Бекобод	12
122.	Бўка	12
123.	Қўйичирчиқ	12
124.	Пскент	12

125.	Ўртачирчиқ	12
126.	Чиноз	11
127.	Юқоричирчиқ	12
128.	Оҳангарон	11
129.	Бўстонлиқ	11
130.	Зангиота	9
131.	Қибрай	12
132.	Паркент	11
133.	Тошкент	11
134.	Янгийўл	12
Фарғона вилояти		
135.	Бешариқ	13
136.	Бағдод	13
137.	Бувайда	12
138.	Данғара	12
139.	Ёзёвон	11
140.	Қува	13
141.	Олтиариқ	12
142.	Қўштепа	12
143.	Риштон	13
144.	Сўх	10
145.	Тошлоқ	11
146.	Ўзбекистон	13
147.	Учкўприк	12
148.	Фарғона	13
149.	Фурқат	11
150.	Қувасой ш.	12
Хоразм вилояти		
151.	Боғот	11
152.	Гурлан	12
153.	Қўшкўпир	12
154.	Урганч	11
155.	Ҳазорасп	12
156.	Хонқа	12
157.	Хива	11
158.	Шовот	11
159.	Янгиариқ	11
160.	Янгибозор	11
Жами:		1 805

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 21-банднинг учинчи хатбошисидаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) махсус ҳисоб рақамларига” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 22-банддаги “Давергеодезкадастр қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 23-банддаги “Давергеодезкадастр қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзининг махсус ҳисоб рақамларига” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 24-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳудудий бошқармаларнинг махсус ҳисоб рақамларига тушган маблағларнинг 90 фоизидан Давергеодезкадастр қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига тушган маблағларнинг 90 фоизидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш учун тушган маблағлар ҳисобидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ штат бирликлари ажратилади”;

ўн тўртинчи хатбошидаги “Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 24¹-банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маблағларнинг 7 фоизи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасида қолади;

3 фоизи қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маблағларнинг тушишига кўра, қишлоқ хўжалиги бошқармаларига тегишли бўлган маблағларни уларнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказди”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“2021 йил 1 январдан бошлаб ер кадастри дафтари фақат Миллий геоахборот тизимида электрон шаклда юритилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 571-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 10-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи – еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилиш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш”;

олтинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 11-банд қуйидаги мазмундаги “г¹” ва “г²” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“г¹) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилиш соҳасида:

қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилади;

самарасиз фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги ерларини аниқлаш, уларни ўрнатилган тартибда олиб қўйиш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

г²) тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш соҳасида;

давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш соҳаларида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

тупроқларнинг сифатини баҳолаш мақсадида тупроқ съёмкасини, тупроқларнинг бонитировкасини ўтказди;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган табиий яйловларда геоботаник изланишларни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлайди;

тупроқшунослик, геоботаникага оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни амалга оширади”;

в) 13-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш”;

бешинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча олтинчи – йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

